

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШГА ЎТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Тангиров Хасан Давлатбоевич

Ўзбекистон Республикаси Банк ва Молия академияси тингловчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказиш йўлида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** инфляция, таргетлаш, инфляцион таргетлаш, фоиз ставкаси, монетар омил, номонетар омил.

Ўзбекистонда инфляцион таргетлаш механизмларини босқичма-босқич татбиқ қилиш, пул-кредит сиёсати ва унинг инструментларини тубдан такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга ошироқда.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунига мувофиқ макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш, нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда инфляцион мақсадларга (таргет) эришиш асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорида миллий валюта алмашув курсининг бозор механизмлари асосида шаклланиш тамойилларини жорий этиш орқали ички валюта бозорини босқичма-босқич либераллаштирилиш, Марказий банкнинг ўрта муддатли истиқболда инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда, инфляцион таргетлаш режимини жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Вазирлар Маҳкамасининг қўйидаги йўналишларга қаратилган мувофиқлаштирилган тайёргарлик ишларини амалга ошириш вазифаси қўйилди. Унгу кўра:

- инфляциянинг номонетар омиллари ролини босқичма-босқич пасайтириш, шу жумладан, тарифларни тартибга солишини ислоҳ қилиш, иқтисодиётнинг реал секторида таркибий иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш ва ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш;

- Марказий банкнинг макроиқтисодий таҳлил ва коммуникация сиёсати сифатини ошириш;

- регуляторнинг кредит бозорига самараали таъсир этишини таъминлаб берувчи, пул бозорини тартибга солишнинг янги инструментларини жорий этиш.

Мазкур фармонга асосан, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмлари ва инструментларини қўллашни кенгайтириш, шунингдек, пул-кредит сиёсати самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказишни таъминлаш талаби қўйилди.

Шунингдек, фармон билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банкнинг инфляцияни пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатлари концепцияси тасдиқланди ва ушбу Концепцияга мувофиқ, 2020 йилда инфляцияни пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” маъқулланди.

Бундан ташқари, ушбу фармонда пул-кредит сиёсатини инфляцион таргетлаш режимига ўтишнинг қуидаги йўналишлари мавжуд. Жумладан,

- 2020 йилнинг 1 январига қадар пул бозори фоиз ставкаларига таъсир кўрсатувчи бозор инструментлари, шу жумладан Марказий банк облигациялари, овернайт депозитлар, доимий тусдаги депозит аукционлари, давлат қимматли қоғозлари ва хорижий валюта гарови остида кредит аукционлари ва овернайт кредитлари;

- 2020 йил давомида фоиз ва валюта хатарларини бошқаришда ҳосилавий инструментлар (своп, опцион ва фьючерслар) ва тижорат банкларининг валюта курси шаклланишидаги ролининг босқичма-босқич ошириб борилиши;

- бир ой муддатда Марказий банкнинг банклараро пул бозорига мунтазам интервенцияси орқали мослашувчан фоиз сиёсатини амалга оширишда асосий фоиз ставкасининг фоиз коридори механизми;

- 2020 йилнинг 1 апрелига қадар халқаро молия институтларининг техник кўмаги ҳамда илғор халқаро тажриба асосида эконометрик моделлаштириш инструментларини ривожлантиришни назарда тутувчи макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш тизими;

- икки ой муддатда Марказий банк томонидан иқтисодиётдаги жорий ҳолат, инфляцион жараёнларнинг асосий омиллари ва пул-кредит сиёсати чораларининг ўз вақтида ёритилишини кўзда тутувчи коммуникацион сиёсатнинг замонавий тамойиллари;

- инфляция ва инфляцион кутилмалар омилларини доимий ўрганиб бориш, халқаро молия институтлари ва бошқа давлатлар марказий банклари техник кўмагини жалб этиш орқали илғор хорижий тажрибани ўрганиш.

Бизга маълумки, инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатда миллий валютага бўлган ишонч йўқолади ҳамда миллий валюта қардсизланаётган бир шароитда аҳолининг бир қисми истеъмолдан ортган маблағларини миллий валютада

эмас, балки хорижий валютада жамғара бошлайди, бир қисми эса мулк кўринишида сақладиди. Яна бир қисми эса мавжуд пул маблағларини товар ва хизматлар учун сарфлашни кескин оширади. Натижада товар ва хизматлар нархларининг кўтарилишига, банкларга жалб этиладиган депозитлар салмоғи камайишига, бу эса банкларда ресурс маблағларининг тақчиллигига олиб келади. Натижада банклар томонидан ажратилаётган кредитларнинг фоиз ставкалари кўтарилишига, бу эса тадбиркорларнинг қўшимча ишлаб чиқариш салоҳиятини пасайтиришга, солик тўловлари улуши камайишига ва бошқа бир қанча омилларга таъсир қиласди. Юқорида қайд этилган салбий жараёнлар инфляциянинг янада кўтарилишига, нархларнинг жиловсизланишига, охир оқибат иқтисодиётнинг издан чиқишига олиб келади.

Инфляцияни жиловлашда унга монетар ва номонетар инструментлар орқали таъсир ўтказиш ҳамда мақсадни (таргет) қайтадан белгилаб олиш зарур. Шу билан бирга белгиланган мақсадга эришишда таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг барчасига қарши стратегиялар ишлаб чиқиш лозим.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуни 2019 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони.
4. [WWW.finlit.uz](http://WWW.finlit.uz)
5. [WWW.review.uz](http://WWW.review.uz)
6. [WWW.cbu.uz](http://WWW.cbu.uz)